# VII. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК (БИЗНЕС)

2021 йилнинг январь-март ойларида рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 3050 тани ташкил қилди.

2021 йил январь-мартда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 53,9 фоизи (2020 йил январь-мартда 57,0 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

2021 йил январь-мартда кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

-саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 925,7 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 21,6 фоизи) ёки 2020 йилнинг январь-мартига нисбатан 122,3 фоизни ташкил қилди;

-2359,1 млрд. сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларининг ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб, ўсиш суръати 102,7 фоизни (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари ялпи маҳсулотининг 93,3 фоизи) ташкил қилди.

-1139,1 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 42,5 фоизи) ўзлаштирилди ва 2020 йилнинг январь-мартига нисбатан 140,3 фоизни ташкил қилди;

-961,7 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 73,4 фоизи) бажарилди ва 2020 йилнинг январь-мартига нисбатан 103,5 фоизни ташкил қилди;

-автомобил транспорти юк айланмасининг 101,9 фоизга (умумий юк айланмасига нисбатан 84,1 улуши), йўловчи айланмасининг эса 102,4 фоизга (умумий йўловчи айланмасига нисбатан 97,7 улуши) тенг бўлди;

-чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 92,6 фоизи ёки 2 884,7 млрд. сўм (0,2 фоизга камайиш кузатилди) ва хизматлар умумий ҳажмининг, мос равишда 67,4 фоиз улуши ёки 1859,3 млрд. сўмни ташкил қилди;

-11,1 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 34,0 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди.

**Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлари сонининг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши**

*2021 йил январь-март ойларида (жамига нисбатан фоизда)*



## 2021 йилнинг январь-март ойларида кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши қуйидагича

| | *Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд. сўм* | *Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида* |
|---|---|---|
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 2359,1 | 70,4 |
| Саноат | 925,7 | 21,6 |
| Қурилиш | 961,7 | 73,4 |
| Чакана савдо | 2884,7 | 92,6 |
| Хизматлар | 1859,3 | 85,6 |
| Экспорт, *млн. АҚШ долл.* | 11,1 | 26,3 |
| Импорт, *млн. АҚШ долл.* | 22,5 | 52,4 |

## Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушининг ўзгариши қуйидагича ифодаланади:




*(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)*

ЯҲМ | Саноат | Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | Асосий капиталга киритилган инвестициялар | Қурилиш | Хизматлар | Савдо

**2020 йил январь-март** — **2021 йил январь-март**

**Январь-март ойларида кичик тадбиркорликнинг асосий кўрсаткичлари**

| | *Ўлчов бирлиги* | *2020 йил* | *2021 йил* | *(+-)* |
|---|---|---|---|---|
| **Фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони** | ***бирлик*** | **21215** | **27800** | **6585** |
| **Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар** | ***бирлик*** | **1209** | **3050** | **1841** |
| ЯҲМ | % | 57,0 | 53,9 | -3,1 |
| Саноат | % | 34,5 | 21,6 | -12,9 |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги | % | 99,3 | 99,3 | - |
| Инвестиция | % | 16,0 | 42,5 | 26,5 |
| Қурилиш | % | 88,2 | 73,4 | -14,8 |
| Савдо | % | 94,5 | 92,6 | -1,9 |
| Хизматлар | % | 69,1 | 67,4 | -1,7 |
| Юк ташиш | % | 82,3 | 80,5 | -1,7 |
| Юк айланмаси | % | 87,4 | 84,1 | -3,3 |
| Йўловчи ташиш | % | 94,6 | 97,0 | 2,4 |
| Йўловчи айланмаси | % | 97,3 | 97,7 | 0,4 |
| Экспорт | % | 34,0 | 26,3 | -7,7 |
| Импорт | % | 55,2 | 52,4 | -2,8 |

## 2021 йилнинг январь-март ойларида иқтисодиёт тармоқларида кичик тадбиркорликнинг улуши тузилиши




## Кичик тадбиркорликнинг ЯҲМдаги улуши, фоизда

2021 йилнинг январь-март ойларида кичик тадбиркорликнинг ЯҲМдаги улуши 53,9 фоизни ташкил қилди (2020 йилнинг январь-мартида 57,0 фоиз). ЯҲМ таркибида кўпайиши йирик корхоналар улуши тушиши билан тушунтирилади.



**Кичик тадбиркорликнинг асосий иқтисодий кўрсаткичлардаги улуши**
**(*умумий ҳажмига нисбатан млрд. сўмда*)**

Ҳудудлар бўйича энг кўпроқ саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми Қарши шаҳри (200,0 млрд. сўм), Қарши тумани (131,5 млрд. сўм), Миришкор тумани (117,6 млрд. сўм), Шаҳрисабз тумани (72,1 млрд. сўм), Косон тумани (67,4 млрд. сўм) ва Чироқчи тумани (47,1 млрд. сўм) ҳиссасига тўғри келади. Деҳқонобод тумани (13,2 млрд. сўм), Муборак тумани (19,8 млрд. сўм) ва Нишон тумани (22,1 млрд. сўм) ушбу саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми паст бўлиб қолмоқда.

**2021 йил январь-мартда ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш суръати**




Ҳудудлар кесимида кичик тадбиркорликнининг жами саноат маҳсулотидаги энг юқори улуши Китоб (94,1 фоиз), Миришкор (89,7 фоиз), Шаҳрисабз (80,5 фоиз), Шаҳрисабз шаҳри (74,6 фоиз), Яккабоғ (72,0 фоиз) ва Чироқчи (47,7 фоиз) туманлари ҳиссасига тўғри келди. Шу билан бирга Нишон (1,9 фоиз), Ғузор (3,6 фоиз), Касби (6,3 фоиз), Муборак (13,7 фоиз) ва Деҳқонобод (10,1 фоиз) туманларида кичик тадбиркорликнинг улуши пастлиги кузатилди.

**2021 йил январь-март ҳолатига жами саноат маҳсулотидаги кичик тадбиркорликнинг ҳудудлар бўйича улуши, фоиз**




Ҳудудлар бўйича кўпроқ қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ҳажми Чироқчи (305,9 млрд. сўм), Китоб (226,4 млрд. сўм), Шаҳрисабз (199,3 млрд. сўм), Косон (188,5 млрд. сўм), Қарши (186,3 млрд. сўм) ва Ғузор (180,6 млрд. сўм) туманлари ҳиссасига тўғри келади. Қарши (41,3 млрд. сўм) ва Шаҳрисабз (11,1 млрд. сўм) шаҳарларида ва Муборак (117,4 млрд. сўм) туманларида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ҳажми паст бўлиб қолмоқда.

**2021 йил январь-мартда ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ҳажми ва ўсиш суръати**



Ҳудудлар бўйича кўпроқ чакана товар айланмаси ҳажми Қарши шаҳри (587,0 млрд. сўм), Косон (323,1 млрд. сўм), Чироқчи (336,0 млрд. сўм) ва Шаҳрисабз шаҳри (191,6 млрд. сўм) туманлари ҳиссасига тўғри келади. Муборак (100,3 млрд. сўм), Шаҳрисабз (102,2 млрд. сўм) ва Қарши (106,0 млрд. сўм) туманларида чакана товар айланмаси ҳажми паст бўлиб қолмоқда.

**2021 йил январь-мартда ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да чакана товар айланмаси ҳажми ва ўсиш суръати**




Ҳудудлар бўйича кўпроқ хизматлар ҳажми Қарши шаҳри (526,5 млрд. сўм), Косон (142,4 млрд. сўм), Китоб (129,9 млрд. сўм), Чироқчи (116,2 млрд. сўм), Қарши (107,3 млрд. сўм), Қарши (107,3 млрд. сўм) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

**2021 йил январь-мартда ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да хизматлар ҳажми ва ўсиш суръати**



**2021 йил январь-мартда кичик тадбиркорликнинг иқтисодиёт тармоқлардаги ҳудудлар бўйича улуши, фоизда**

| | *Саноат* | *Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги* | *Инвестиция* | *Қурилиш* | *Чакана савдо* | *Хизматлар* |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **Қашқадарё вилояти** | **21,6** | **99,3** | **42,5** | **73,4** | **92,6** | **67,4** |
| Қарши ш. | 31,0 | 97,8 | 18,7 | 78,1 | 78,0 | 50,0 |
| Шаҳрисабз ш. | 74,6 | 99,8 | 87,8 | 48,4 | 98,3 | 72,3 |
| *туманлар:* | | | | | | |
| Ғузор | 3,6 | 96,7 | 6,3 | 39,4 | 97,8 | 74,2 |
| Деҳқонобод | 10,1 | 99,4 | 82,9 | 100,0 | 99,1 | 81,9 |
| Қамаши | 48,3 | 99,5 | 94,2 | 100,0 | 98,6 | 78,2 |
| Қарши | 51,9 | 99,9 | 85,1 | 100,0 | 95,5 | 79,2 |
| Косон | 37,5 | 99,9 | 95,4 | 90,9 | 98,9 | 83,4 |
| Китоб | 94,1 | 99,4 | 65,5 | 100,0 | 98,4 | 82,7 |
| Миришкор | 89,7 | 99,6 | 93,3 | 100,0 | 98,9 | 84,5 |
| Муборак | 13,7 | 97,3 | 59,1 | 41,6 | 98,4 | 69,8 |
| Нишон | 1,9 | 100,0 | 46,0 | 100,0 | 98,7 | 78,6 |
| Касби | 6,3 | 100,0 | 80,6 | 100,0 | 98,7 | 80,4 |
| Чироқчи | 47,7 | 99,5 | 97,9 | 96,2 | 94,4 | 76,7 |
| Шаҳрисабз | 80,5 | 99,7 | 86,4 | 99,7 | 88,2 | 76,2 |
| Яккабоғ | 72,0 | 99,6 | 94,9 | 100,0 | 97,3 | 79,0 |

Ҳудудлар бўйича саноат соҳасининг юқори улушини Китоб (94,1 фоиз), Миришкор (89,7 фоиз), Шаҳрисабз (80,5 фоиз) туманлари ва Шаҳрисабз шаҳри (74,6 фоиз) да кузатилди.

Инвестицияда энг юқори улушларни Чироқчи (97,9 фоиз), Косон (95,4 фоиз), Яккабоғ (94,9 фоиз), Қамаши (94,2 фоиз) ва Миришкор (93,3 фоиз) туманларида кузатилди.

Қурилиш соҳасида Деҳқонобод, Қамаши, Қарши, Китоб, Миришкор, Нишон, Касби, Яккабоғ туманларида мос равишда (100,0 фоиз), Шаҳрисабз (99,7 фоиз), Чироқчи (96,2 фоиз) ва Касби (90,9 фоиз) туманларида кузатилди.

Чакана савдода Деҳқонобод (99,1 фоиз), Косон ва Миришкор мос равишда (98,9 фоиз), Нишон ва Касби мос равишда (98,7 фоиз) ва Қамаши (98,6 фоиз) туманларида кузатилди.

Хизматлар соҳасида Миришкор (84,5 фоиз), Косон (83,4 фоиз), Китоб (82,7 фоиз) ва Деҳқонобод (81,9 фоиз) туманларини ташкил этади.

Жорий даврда микрофирма ва кичик корхоналарда танланма кузатувлар ўтказилди. Қурилиш соҳасида респондентларнинг 44,6 фоиз қулай, 48,2 фоиз қониқарли деб ҳисоблашини, савдо соҳасида – 48,7 фоиз қулай ва 41,2 фоиз қониқарли, мос равишда хизматлар соҳасида – 51,7 фоиз ва 42,2 фоиз, саноатда – 47,5 фоиз ва 46,9 фоиз, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 21,7 фоиз ва 62,7 фоиз қониқарли ташкил қилганини кўрсатди.

Жорий иқтисодий вазиятга пессимистик руҳда ёндашганлар саноатда– 5,6 фоиз, қурилишда – 7,2 фоиз, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 15,6 фоиз, хизматларда – 6,1 фоиз ва савдода – 10,1 фоизни ташкил қилди.

**Кичик тадбиркорликда иқтисодий вазиятни баҳолаш**
**2021 йил I-чорак учун, фоизда**



**Иқтисодий вазият яқин уч ойда** қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида қулай 57,1 фоиз, қониқарли 35,4 фоиз, саноат корхоналари қулай 89,3 фоиз, қониқарли 10,1 фоизи, савдо – қулай 81,3 фоиз, қониқарли 14,6 фоиз, хизматларда қулай 82,7 фоиз, қониқарли 16,1 фоиз ва қурилиш тармоғида қулай 77,0 фоиз, 21,6 фоиз қониқарли бўлиши кутилмоқда.

**Кичик тадбиркорлик (бизнес)да иқтисодий вазиятнинг ўзгаришлар истиқболини яқин уч ойда баҳоланиши, фоизда**




Таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, янги ташкил этилган кичик корхоналар ва микрофирмаларга бизнес муҳитини яхшилаш учун кўрилаётган чора тадбирлар натижасида респондентлар яқин истиқболда умумий иқтисодий вазиятнинг яхшиланишини ижобий баҳолаётганлигини хулоса қилиш мумкин.